

---

Тошлоқ туманида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони учтага ортиди

Тошлоқ туман ҳокими Абдуқаҳхор Джурабаев раҳбарлигидаги 1-секторга қарашли Қуйи Яккатут МФЙда ЯТТ Орипова Гулчирой Баходировна ва ЯТТ Абдупаттаева Замирахон Абдуваҳобовналар тасарруфида "НУРЛИ КЕЛАЖАК" ва "БАРКАМОЛ АВЛОД" ҳамда туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Қуёшжон Бекмирзаев раҳбарлигидаги 4-секторга қарашли Фурқат МФЙ Тошлоқ кўчасида ЯТТ Матмусаева Гулнора Хайруллаевна тасарруфида "МАЛИКА" номи ОНМТТнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда туман мактабгача таълим бўлим мудири Нилуфархон Эминова ва вилоят мактабгача таълим бошқармаси мутахасиси Дилдорахон Эргашевалар иштирок этдилар. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг очилиш маросимидан сўнг, масъуллар томонидан тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилди.

*Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати*

2021-06-17 18:49:27